

VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра 2019 йилнинг январь-май ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 13 450,6 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 14,6 % ни ташкил қилди.

2019 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-майга нисбатан, % да</i>
Жами	13450,6	114,6
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	318,1	3,7 м.
Ишлаб чиқарадиган саноат	9263,1	134,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-133,0	-
Қурилиш	60,0	107,6
Савдо	573,2	81,0
Ташиш ва сақлаш	2175,9	83,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	38,3	129,7
Ахборот ва алоқа	563,2	120,9
Молиявий ва суғурта фаолияти	64,2	172,1
Кўчмас мулк билан операциялар	54,1	3,0 м.
Профессионал, илмий ва техник фаолият	142,2	137,2
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	35,5	62,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	34,3	3,1 м.
Бошқалар	261,5	7,9


¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2019 йилнинг январь-май ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (2561,1 млрд. сўм), “Ўзавтосаноат” АЖ (1616,2 млрд. сўм), “ОКМК” АЖ (739,9 млрд. сўм), “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК (176,2 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (145,1 млрд. сўм), “Ўзбекистон хаво йўллари” МАК (113,7 млрд. сўм), “Ўзэлтехсаноат” АК (81,0 млрд. сўм), “Ўзметкомбинат” АЖ (79,6 млрд. сўм), “Ўздонмахсулот” АЖ (74,3 млрд. сўм) га тўғри келади.

**2019 йилнинг январь-май ойларида фойданинг ўсиш суръати
юқори бўлган вазирлик ва идоралар**

	<i>Фойданинг ўсиши, млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-майга нисбатан % да</i>
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	2561,1	2,7 м.
“Ўзавтосаноат” АЖ	1616,2	7,7 м.
“ОКМК” АЖ	739,9	160,3
“Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК	176,2	177,6
“Ўзкимёсаноат” АЖ	145,1	2,1 м.
“Ўзбекистон хаво йўллари” МАК	113,7	135,2
“Ўзэлтехсаноат” АК	81,0	2,2 м.
“Ўзметкомбинат” АЖ	79,6	178,1
“Ўздонмахсулот” АК	74,3	5,1 м.

Алоҳида хўжалик бошқарув органларида фойданинг ўсиши, (млрд. сўм)




Фойданинг пасайиши “Ўзбекнефтегаз” АЖ - 2599,6 млрд. сўмга, “Ўзбекэнерго”АЖ – 646,1 млрд. сўмга, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ – 301,6 млрд. сўмга, “НКМК” ДК - 260,5 млрд. сўмга, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ – 24,8 млрд. сўмга, Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 20,3 млрд. сўмга, “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси – 14,3 млрд. сўмга, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси – 9,6 млрд. сўмга кузатилган.

2019 йилнинг январь-май ойларида фойданинг пасайиши юқори бўлган вазирлик ва идоралар

	<i>Фойданинг пасайиши, млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-майга нисбатан %да</i>
“Ўзбекнефтегаз” АЖ	2599,6	33,8
“Ўзбекэнерго”АЖ	646,1	15,1
“Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ	301,6	45,4
“НКМК” ДК	260,5	75,2
“Ўзагрокимёхимоя” АЖ	24,8	26,9
Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси	20,3	85,1
“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси	14,3	1,6
Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси	9,6	89,0

Алоҳида хўжалик бошқарув органларида фойданинг пасайиши, (млрд. сўм)



**2019 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида
яқуний молиявий натижалари**

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-майга нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	13450,6	114,6
Қорақалпоғистон Республикаси	2255,1	84,9
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	1603,7	13,1 м.
Бухоро	190,0	-
Жиззах	39,3	112,5
Қашқадарё	840,2	162,3
Навоий	1051,0	76,8
Наманган	115,6	174,6
Самарқанд	230,4	2,9 м.
Сурхондарё	67,2	145,3
Сирдарё	-92,1	-
Тошкент	2669,2	141,3
Фарғона	495,4	5,2 м.
Хоразм	64,9	128,8
Тошкент шаҳри	113,5	3,2


Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Тошкент вилояти - 2669,2 млрд. сўм (жами фойданинг 19,8 %), Қорақалпоғистон Республикаси - 2255,1 млрд. сўм (16,8 %), Андижон вилояти – 1603,7 млрд. сўм (11,9 %), Навоий вилояти 1051,0 млрд. сўм (7,8 %) ва Қашқадарё вилоятига – 840,2 млрд. сўм (6,2 %) тўғри келади.

Зарарлар. 2019 йилнинг январь-май ойларида 213 та корхона ва ташкилотлар 3259,4 млрд. сўм зарарга йўл қўйди.

Зарарнинг асосий қисми “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 2277,6 млрд.сўм (республика бўйича жами зарарнинг 69,9 %), “Ўзбекэнерго” АЖ – 229,7 млрд.сўм (7,0 %), “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ – 164,4 млрд. сўм (5,0 %), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 50,9 млрд. сўм (1,6 %), “Ўзавтосаноат” АЖ – 41,7 млрд. сўм (1,3 %) га тўғри келди.

¹⁾ Ҳудудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.

2019 йилнинг январь-майида зарар кўрган айрим вазирлик ва хўжалик бошқарув органларининг молиявий натижалари
(жамига нисбатан % да)



2019 йилнинг январь-майида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн. сўм	жамига нисбатан % да
Жами	213	3259361,6	100
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	1	1356,7	0,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	29	272112,4	8,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	28	483753,3	14,8
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	4	7678,1	0,2
Қурилиш	7	1269,2	0,0
Савдо	58	108604,8	3,3
Ташиш ва сақлаш	35	2312082,1	70,9

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн. сўм	жамига нисбатан % да
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	14	20735,8	0,6
Ахборот ва алоқа	5	5557,2	0,2
Профессионал, илмий ва техник фаолият	3	2148,9	0,1
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	7	3397,1	0,1
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	8	18014,8	0,6
Бошқалар	14	22651,2	0,7

2019 йилнинг январь-майда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(жамига нисбатан % да)



Зарарларнинг асосий қисми қуйидаги тармоқларга тўғри келди: ташиш ва сақлаш – 2312,1 млрд. сўм (жами зарарнинг 70,9 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 483,8 млрд. сўм (14,8 %), ишлаб чиқарадиган саноат – 272,1 млрд. сўм (8,3 %), савдо – 108,6 млрд. сўм (3,3 %).

**2019 йилнинг январь-майида ҳудудлар кесимида зарар кўрган
корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн. сўм</i>
Ўзбекистон Республикаси	213	10,7	3259361,6
Қорақалпоғистон Республикаси	6	8,5	8448,4
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	11	10,5	51013,4
Бухоро	5	4,3	12015,7
Жиззах	3	7,3	1025,0
Қашқадарё	4	2,7	1729,5
Навоий	4	6,9	12733,1
Наманган	5	4,9	1844,0
Самарқанд	12	10,1	18529,8
Сурхондарё	9	8,7	31145,8
Сирдарё	7	17,1	101963,8
Тошкент	29	12,5	94718,7
Фарғона	8	6,4	15008,1
Хоразм	5	6,2	9288,7
Тошкент ш.	105	16,3	2899897,6

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати¹⁾

2019 йил 1 июнь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 103526,2 млрд. сўми ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 916,8 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,9 %.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 июнига нисбатан солиштирганимизда 5,3 фоизга кўпайган, жами дебитор қарздорликдаги улуши ўзгаришсиз қолди.


2019 йил 1 июн ҳолатига ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги

	<i>Дебитор қарздорлик</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>	<i>Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да</i>
Ўзбекистон Республикаси	103526,2	916,8	0,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1443,2	8,6	0,6
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	3164,0	17,5	0,6
Бухоро	1717,2	2,9	0,2
Жиззах	682,8	1,9	0,3
Қашқадарё	29111,9	7,9	0,0
Навоий	2033,9	51,2	2,5
Наманган	772,5	4,2	0,5
Самарқанд	1550,6	35,6	2,3
Сурхондарё	1213,0	2,9	0,2
Сирдарё	1889,1	11,3	0,6
Тошкент	6598,3	150,7	2,3
Фарғона	2138,3	13,1	0,6
Хоразм	556,8	8,3	1,5
Тошкент шаҳри	46733,5	600,7	1,3

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Худудлар кесимида дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 46733,5 млрд. сўм, Қашқадарё вилояти – 29111,9 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 6598,3 млрд. сўм, Андижон вилояти – 3164,0 млрд. сўм ва Фарғона вилоятига – 2138,3 млрд. сўм тўғри келади.

**2019 йил 1 июнь ҳолатига ҳудудлар кесимида
корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлик (млрд. сўм)**



2019 йил 1 июнь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 108308,2 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 1491,4 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 1,4 % ини ташкил этди.


**2019 йил 1 июнь ҳолатига ҳудудлар кесимида
корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги**

	<i>Кредитор қарздорлик</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>	<i>Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да</i>
Ўзбекистон Республикаси	108308,2	1491,4	1,4
Қорақалпоғистон Республикаси	2774,6	4,7	0,2
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	6785,3	15,8	0,2
Бухоро	5455,5	16,0	0,3
Жиззах	937,3	5,4	0,6

	<i>Кредитор қарздорлик</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>	<i>Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да</i>
Қашқадарё	16004,9	8,1	0,1
Навоий	3153,5	41,3	1,3
Наманган	1321,3	4,8	0,4
Самарқанд	2850,8	31,9	1,1
Сурхондарё	1811,5	3,3	0,2
Сирдарё	1653,7	4,4	0,3
Тошкент	6518,7	183,7	2,8
Фарғона	2616,9	37,0	1,4
Хоразм	851,1	1,7	0,2
Тошкент шаҳри	54404,9	1133,4	2,1

Худудлар кесимида кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 54404,9 млрд. сўм, Қашқадарё вилояти – 16004,9 млрд. сўм, Андижон вилояти – 6785,3 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 6518,7 млрд. сўм ва Бухоро вилоятига – 5455,5 млрд. сўм тўғри келади.

**2019 йил 1 июнь ҳолатига ҳудудлар кесимида
корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги (млрд. сўм)**



**2019 йил 1 июнь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг
муддати ўтган дебитор қарздорлиги ҳолати**

	<i>Жами, млрд. сўм</i>	<i>шундан:</i>		
		<i>Харидор ва буюрт- мачилар</i>	<i>етказиб берувчилар ва пудратчи- ларга берилган аванслар</i>	<i>Ички идоравий қарз</i>
Ўзбекистон Республикаси	916,8	440,0	53,8	364,5
Қорақалпоғистон Республикаси	8,6	0,1	1,0	-
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	17,5	4,4	0,6	-
Бухоро	2,9	-	-	-
Жиззах	1,9	1,7	0,2	-
Қашқадарё	7,9	6,1	0,7	1,0
Навоий	51,2	50,1	0,8	-
Наманган	4,2	3,3	0,6	-
Самарқанд	35,6	21,3	3,5	10,2
Сурхондарё	2,9	2,7	0,1	-
Сирдарё	11,3	7,1	4,1	0,1
Тошкент	150,7	90,0	21,9	22,8
Фарғона	13,1	9,8	3,1	0,1
Хоразм	8,3	3,8	4,4	-
Тошкент шаҳри	600,7	239,4	12,7	330,3

Ҳудудлар кесимида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 600,7 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 150,7 млрд. сўм, Навоий вилояти – 51,2 млрд. сўм, Самарқанд вилояти – 35,6 млрд. сўм ва Андижон вилоятига – 17,5 млрд. сўмни ташкил этган.

**2019 йил 1 июнь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг
муддати ўтган кредитор қарздорлиги ҳолати**

	Жами, млрд. сўм	шундан:			
		Етказиб берувчилар ва пудрат- чиларга	бюджетга тўловлар бўйича қарз	Давлат мақсадли жамғарма- ларига тў- ловлар бўйича қарз	Ички идоравий қарз
Ўзбекистон Республикаси	1491,4	926,0	12,6	10,4	333,6
Қорақалпоғистон Республикаси	4,7	2,8	-	-	-
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	15,8	9,0	1,3	2,1	-
Бухоро	16,0	-	-	-	16,0
Жиззах	5,4	5,1	-	0,2	-
Қашқадарё	8,1	4,9	0,4	1,0	-
Навоий	41,3	41,2	-	-	-
Наманган	4,8	4,3	0,0	0,0	0,4
Самарқанд	31,9	30,5	0,8	-	-
Сурхондарё	3,3	2,6	0,0	-	0,4
Сирдарё	4,4	4,4	-	-	-
Тошкент	183,7	162,9	2,1	5,1	2,2
Фарғона	37,0	33,2	0,6	0,1	0,0
Хоразм	1,7	1,5	-	-	-
Тошкент шаҳри	1133,4	623,6	7,4	1,9	330,5


Худудлар кесимида муддати ўтган кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 76,0 %, Тошкент вилояти – 12,3 %, Навоий вилояти – 2,8 %, Фарғона вилояти – 2,5 % ва Самарқанд вилояти – 2,1 млрд. сўмни ташкил этди.

**2019 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича
муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, %да
		харидор ва бўйртма- чилар	етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар	ички идора вий	
Жами	916,8	440,0	53,8	364,5	0,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	201,2	136,5	18,2	0,7	1,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	488,9	158,3	0,0	330,4	3,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	133,1	86,2	19,3	27,6	26,9
Қурилиш	10,5	9,9	0,1	0,5	0,5
Савдо	21,0	10,4	4,7	-	0,2
Ташиш ва сақлаш	17,5	12,9	0,1	1,0	0,2
Кўчмас мулк билан операциялар	4,5	0,1	0,4	4,0	8,2
Профессional, илмий ва техник фаолият	21,7	7,8	10,9	0,2	0,3
Бошқалар	18,4	17,9	0,1	0,1	0,0


Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик энг кўп электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 53,3 %, ишлаб чиқарадиган саноатда – 21,9 %, сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда – 14,5 % ни ташкил этди.

**2019 йил 1 июнь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг
дебитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)**



Энг кўп дебитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналари – 57181,4 млрд. сўм (республика бўйича жами қарздорликдан 55,2 %), “Ўзбекэнерго” АЖ – 9533,4 млрд. сўм. (9,2 %), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 4145,3 млрд. сўм (4,0 %), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК – 3894,1 млрд. сўм (3,8 %), “Ўзавтосаноат” АЖ – 3720,7 млрд. сўм (3,6 %), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 1311,2 млрд. сўм (1,3 %) кузатилмоқда.

**2019 йил 1 июнь ҳолатига алоҳида хўжалик бошқарув органларининг
кредитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)**



Энг кўп кредитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 48269,8 млрд. сўм (республика бўйича жами кредитор қарздорликдан 44,6 %), “Ўзбекэнерго” АЖ – 10070,4 млрд. сўм (9,3 %), “Ўзавтосаноат” АК – 6907,8 млрд. сўм (6,4 %), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 3661,6 млрд. сўм (3,4 %), “НКМК” ДК – 2033,2 млрд. сўм (1,9 %) ни ташкил этди.


**2019 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича
муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда ти ўтган қарз- дорлик- нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат чиларга	Бюд жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фонд- ларига тўловлар	ички идора- вий	
Жами	1491,4	926,0	12,6	10,4	333,6	1,4
Ишлаб чиқарадиган саноат	212,5	92,7	-	-	0,9	0,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1037,4	692,6	3,3	7,6	330,3	9,0
Қурилиш	1,3	0,6	0,6	0,1	-	0,0
Савдо	137,4	111,5	0,0	0,0	-	1,3
Кўчмас мулк билан операциялар	5,0	2,6	-	-	2,2	4,9
Профессионал, илмий ва техник фаолият	60,2	17,0	7,4	1,9	-	0,6
Бошқалар	37,6	9,0	1,3	0,8	0,2	0,1

2019 йил 1 июнь ҳолатига жами кредитор қарздорлик 108308,2 млрд. сўм бўлиб, унинг дебитор қарздорликдан ошиши 4781,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг
дебитор ва кредитор қарздорлиги**

(млрд. сўм)



■ Дебитор қарздорлик ■ Кредитор қарздорлик

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторлик қарздорликка нисбатан қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан %да</i>
“Ўзавтосаноат” АК	3187,1	85,7
“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК	1242,9	157,3
Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси	914,2	82,7
“Ўзэлтехсаноат” АК	568,7	82,5
“Ўзбекэнерго” АЖ	537,0	5,6
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	419,8	32,0
“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК	407,9	83,8
Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	322,7	78,4
“Дори-дармон” АЖ	191,5	174,2
“Ўзметкомбинат” АЖ	137,5	16,8

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Ўзавтосаноат” АК – 3187,1 млрд. сўмга (85,7 %), “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК - 1242,9 млрд. сўм (157,3 %), Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 914,2 млрд.сўм (82,7 %), “Ўзэлтехсаноат” АК – 568,7 млрд.сўм (82,5 %), “Ўзбекэнерго” АЖ – 537,0 млрд. сўмга (5,6 %), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ - 419,8 млрд. сўмга (32,0 %), “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК – 407,9 млрд. сўмга (83,8 %), Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 322,7 млрд. сўмга (78,4 %), “Дори-дармон” АЖ – 191,5 млрд. сўм (174,2 %), “Ўзметкомбинат” АЖ – 137,5 млрд. сўм (16,8 %) кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулотда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулотда харажатлар чегириб ташланадиган фойданинг умумий фойдасини (зарарини) ифодалайди.

Дебиторлик қарзлар – харидорлар ва буюртмачилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Кредиторлик қарзлар – етказиб берувчилар ва пудратчилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар, олинган аванслар, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) – тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиғини қўшган ҳолда.

Муддати ўтган қарзлар – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси.

Актив – маълум бир санадаги ташкилот активлари таркиби ва қийматини акс эттирувчи бухгалтерия баланси (чап томон).

Пассив – корхона маблағлари (мажбуриятлари ва капитали) шаклланишининг барча манбалари йиғиндисининг (ўнг томони) қарама-қарши қисми.